

Осиё бинт Ахмад ибн Абдуддоим

У киши мухаддиса, кория бўлганлар. Уйлари дарс ва тиловат билан курилган. У зотга Абу Фахр Асъад ибн Саъд, Зоҳир Сакафий, Ибн Сакийна ва Умар ибн Тоброзид ижозат берганлар. Хижрий 687 сана ражаб ойининг бешинчи куни вафот этдилар.

Асмо бинт Иброҳим ибн Арсох

Хижрий 646 йилда тугилганлар. У кишининг тогалари Кози Нуриддин ибн Сониъдир. Асмо бинт Иброҳим аёлларга Куръон таълимини бериб, илм ўргатганлар. Аллоҳга якин бўладиган ўринларда жидду жаҳд килганлар. Хижрий 708 йил 9 жумадул аввал, жума куни вафот этганлар.

Байрам бинт Ахмад Моликий

Унинг отаси Куръон ўқир ва факихлар билан учрашиб турар эди. У ёшлигидан Куръони Каримни ўқишни ўрганди. Байрам бинт Ахмад Куръонни Шамс ибн Сониъдан олган еттита ривоят билан ўқир эди. У кизи Фотимага хаммасини, яъни ўнта кироатни ўргатди. Отаси билан Байтул Макдисга бориб, шайхларга Куръон ўқиб берди ва аёлларга ваъз килди. У «Умда», «Арбаъийн ан-Нававия», «Аш-Шотибиятайн», «Акийда» ва бошка кўплаб китобларни ёдлаган. «Риёзус-солихийн»ни кайта-кайта мутолаа киларди. Шунингдек, Макка, Димёт ва бошка шаҳарларга борган. У ушбу (Димёт) шаҳар шайхи Ахмад ибн Туриймисга турмушга чиккан.

Жамъа бинт Башшор Исфахония

Тўлик исмлари Уммул Баҳо Жамъа бинт Абу Ражо Башшор ибн Ахмаддир. Исфахоннинг муаллимаси бўлган. Мухаддис авлодларининг энг яхши, солиха аёлларидан. Куръон ахлияси бўлиб, Куръондан дарс берар эди. Саҳл ибн Абдуллох Гозий ва Раис Абу Абдуллох Косим ибн Фазллардан хадис эшитган. Хадис талабида Ирок ва Хуросонга сафар килган кишилардан эди. Самъоний ундан учта хадис ёзиб олган. Тахминан хижрий 485 йилда тугилган.

Хафса бинт Сийрин

Умму Хузайл Ансорий факиха ва тобеъин аёлларнинг саййидаларидан хисобланади. Ибодат, фикх ва Куръон кироатида машхур бўлган.

Иёс ибн Муовиядан ривоят килинади: «Хафса бинт Сийриндан фазилатли аёлни кўрмадим. Ўн икки ёшидаёқ Куръони Каримни ўқир эди». Унга: «Хасан ва ибн Сийринлардан хамми?!» дейилганда, у: «Хеч кимни ундан (Хафсадан) афзал билмайман», деб жавоб берди».

Куръондан бирор ишқаллик тугилиб колганда акаси Мухаммад: «Боринглар, Хафсанинг қандай ўқишини сўранглар», дер эди.

Махдий ибн Маймун зикр килади: «Дархакикат, Хафса ўттиз йил ўз намозгоҳида турди.

У факат бир оз ухлаш ва хожат учун чикарди. Ўгли Хузайл ўчокда ёкиш учун ўтин тайёрлар ва кишда уни ёкиб, иситар, у (она) эса жойнамоз устида ўтирарди. Ўгли борлигидан кувонар эди. У аёл айтади: «(Хузайл) вафот этгач, Аллох мени Ўзи хохлаганича сабр килиш билан ризклантирди, лекин доимий сикиладиган бўлиб колдим. Бир куни кечаси Нахл сурасини ўқиётим, ушбу: «Аллохнинг аҳдини озгина бахога сотиб юбормангиз. Агар билсангиз, албатта, Аллох даргохидаги нарса (ажр-савоб) сизлар учун (дунё матохларидан) яхшироқдир. Сизларнинг хузурингиздаги нарсалар тугаб кетур. Аллохнинг даргохидаги нарсалар эса бокийдир. Биз, албатта, сабр этганларни ўзлари килиб ўтган гўзал (солих) амаллари баробаридаги мукофот билан тақдирлаймиз» (95-96-оятлар)га етганимда унга мувофик бўлдим, натижада Аллох сикилишимни кетказди».

Яна у ривоят қилган ажойиб нарсалардан бири куйидагича: «Хафса бир жория сотиб олди. Ундан: «Беканг хакида қандай фикрдасан?» деб сўралди. Шунда у форсча бир гап айтди, унинг маъноси: «У – солиха аёл. Лекин катта гуноҳ килиб қўйибди, шекилли, кечаси билан йиглаб, намоз ўқиб чиқади», деган эди».

Хадижа бинт Аҳмад Фаъсия

Форс ахлидан, кория, солиха ва ўқимишли аёл бўлган. Аллохнинг Китобини, кироат ва тажвид илмини етарли даражада ёдлаган эди. Харфлар махражлари билимдони, Варш, Колун ва Маккий кироатига ўхшаш кўп кироатларда ўқувчи, ушбу ривоятлар кироати ва хукмларининг барча турларидан бохабар, Аллохнинг Китобини ўргатишни лозим тутган, ибодат ва тиловатни кўп қилган аёл. Ўзи кизиккан нарса билан машгул бўлиб, ортиқча нарсалардан йирок турган. Куръони Каримни Имом Абу Али Хасан Жанбур санадлари орқали ўқиган. Шунингдек, Шайх Абдулхафиз Фаъсий кироатни ундан ривоят қилган. Хадижа унга хижрий 323 йилда ижозат берган.

Хадижа бинт Хорун Давкалийя

Хижрий 640 йил Магриб (Марокаш)да тугилган. Куръони Каримни еттита кироатда ўқиган ва «Шотибия»ни ёдлаган. Ўн бешта хужжат келтирган. Хижрий 695 сана мухаррам ойининг 5-да, душанба куни вафот этган.

Уммул Хайр бинт Аҳмад ибн Исо

Ибн Макинанинг кизи деб танилган. Вахоланки, у Кози Фозил Шихоб Аҳмад ибн Исо ибн Мухаммаднинг кизи бўлиб, хижрий 810 йилдан олдин Малайзияда тугилган. Куръонни ёдлаб, отаси Нофеъга ўқиб берган ва доимо ёддан ўқиб юрган. Хижрий 849 йил сафар ойида Лайя водийидаги Убло кишлогига унинг олдига Бакоъий келади ва унга бир нарса ўқиб беради. Албатта, у қотиба, кория ва фозила эди. Унга бир жамоат ижозат берган. Отаси кўзи ожиз киши бўлиб, яқинлари ичида «Чумчук» номи билан танилган. Уммул Хайр бинти Аҳмад ёшлигида Кохирага кўчиб борган. Азхарда яшаб, Куръонни ёдлаган ва катта машойихлар кўлида илм-фан ўрганган.

Салмо бинт Мухаммад ибн Жазарий

Куняси – Уммул Хойр. Отаси «Гоятун ниҳоя фий тобакотил курро» номли китобида унинг таржимаи холини ёзган: «У менинг кизим, Аллох уни манфаатли килсин, дунё ва охират яхшиликларига етиштирсин... У хижрий 813 йили Куръон ёдлашга киришди. Тажвид мукаддимасини, нахв мукаддимасини ёдлаб, топширди. Сўнгра яхши нашр бўлган «Алфия»ни ёдлаб, ўнта кироатда топширди. Хижрий 832 йили рабиул аввалнинг 12- да хамма кироатларни ўз ичига олган тажвидли саҳих кироатларни мукамал килди. Бу муваффақиятларга эришишда, юксакликка кўтарилишда бирор киши унга шерик бўлмади. Аруз ва араб тилини ўрганди, форсча ва арабча шеърлар ёзди. У ўзи хадис ўқир, менадан эшитар ва ўзимга кўп бор ўқиб берар эди. Аллох уни бахтли килсин, дунё ва охират яхшиликларига етиштирсин».

Салмо бинт Муҳаммад ибн Жазарийнинг отасига келсак, у ўз замонасидаги корилар шайхи ва хадис хофизларидандир. Дамашқда тугилиб, у ерда ўсиб улгайган. Дамашқда «Дорул Куръон» деб номланган Мадраса курди ва Амир Темур билан бирга Мовароуннахрга сафар килди. Сўнгра Шерозга кўчиб ўтиб, унинг вилоятига волий бўлди ва ўша ерда вафот этди. У Курдистон (хозирги Туркия)даги «Жазийра ибн Умар» деган жойга нисбат берилди. Куръони Карим илмларига оид кўпгина китоблари бор. Энг машхурлари тажвид, кироат, Куръон фазилатлари ва кориларнинг таржимаи холлари хусусидагиларидир. Шунингдек, у кишининг чуқур маъноли зикрлар ва дуолар хусусидаги «Мустаҳкам кўргон» ва унинг хошиясига ёзилган «Мустаҳкам кўргоннинг калити» деб номланган китоблари одамлар орасида жуда машхурдир. Хижрий 833 йилда вафот этди.

Ойша бинт Иброҳим Дамашкий

Ойша бинт Иброҳим ибн Сиддик Суламийя Дамашкия ўқимишли солиҳа аёлдир. Хижрий 661 йили тугилган. Куръонни Аҳмад ибн Хибатуллох ибн Асоқирдан, хадисни эса бошқалардан эшитган. Аёллар ундан кўп манфаат олдилар. У ҳақда қуёви Ибн Касир бундай дейди: «У ибодатни кўп қилишда ва Куръонни чиройли адо этишда беназир эди. Бу хусусда кўп кишилардан фазилатли бўлди. У дунёда зоҳида бўлиб, ундан озгина нарса қолди. Хижрий 741 йил жумадул аввал ойида вафот этди. Эри Хофиз Абул Хажжож Юсуф Миззий Шом диёрининг муҳаддиси, «Тахзибул камал фий асмаир рижал» ва «Тухфатул ашроф би маърифатил атроф» китоблари муаллифидир. Ушбу китоблар хусусида Ибн Тулун: «Аниқки, бундан кейинги муҳаддислар шу икки китобга боғлангандир», дейди. Хижрий 742 йилда вафот этди.

Ойша бинт Имрон Манубий

Обида, солиҳа бу аёл Манубада тугилиб, отаси карамогида ўсди. Ота кизининг тарбиясига катта эътибор бериб, Куръони Каримни ўргатди, хифзини чиройли килди. Сўнгра ўзи ибодатга зўр бериб, зоҳидликни лозим топди. У жун йигиришдан келадиган даромади эвазига кун кечирарди. Кўпгина китобларда унинг жасоратларидан хикоя қилинади. Ҳаёти давомида Куръонни 1520 марта хатм қилган. У фақир-мискинларга гамхўрлик кўрсатар, мухтожлар эҳтиёжини қондирар эди. Ўз касбидан бирор нарса жамгармагани ҳақида гапириб: «Чўнтагимда бирор дирхам қолиб, уни садақа қилмасам, тунги ибодатим нуксонли бўларди!» дейди. Бу унинг яхшилиги ва раҳмдиллигига далолат қилади. Жон бераётгандаги охири сўзлари: «Зотан, Аллох такволи бўлганлар ва эзгу иш

килувчилар билан (хамиша) биргадир» (Нахл сураси, 128-оят) бўлди. 67 ёшга яқинлашганида, хижрий 665 йил 21 ражаб ойининг жума куни вафот этди. Жанозасига тунислик уламоларнинг кўпчилиги келишди. Тунисдаги Каржоний равзасига дафн килинди.

Ойша бинт Юсуф Боъуния

Бу қобилиятли, ўқимишли, олима ва фозила аёл Абдулваххоб Дамашкийнинг онаси, Боъунийнинг кизи бўлган. Шахсий сийрати хакидаги сўзида у: «Аллох таоло мени Ўзининг Китобини ўқишим учун танлаб олди, менга уни мукамал килиб ёдлашни тортик килди. Вахоланки, мен саккиз ёшда эдим», дейди. Отаси машхур олим Юсуф ибн Ахмад ибн Носир Боъуний Макдисий тўрт ёшдалигида Куддусдан Дамашкка кўчиб борган. Кизи Ойша бинт Юсуфга Куръон, фикх, араб тили ва бошқа фанларни ўргатган. Юсуф ибн Ахмад Дамашкий Шофиий Софд вилоятига волий бўлди, сўнгра Дамашкда, хижрий 847 йили Шомнинг Тараблус вилоятида, кейинрок Халабда козилик килди. Барча сохаларда мактовларга сазовор бўлди. Камтар, забардаст, машхур олим, зехни ўткир, юмшоқ муомалали ва олий химматли инсон бўлган у зот кўп тиловат ва садака килар, кўпинча душанба ва пайшанба кунлари рўза тутар, кечалари туриб, тахажжуд ўқир, кўп эхсон килар эди. «Одилийятус сугро», «Шомийятул жавонийя» ва «Азизийя» каби узок жойларга бориб, дарс берарди. Юсуф ибн Ахмад хижрий 880 йилда захарланиш окибатида вафот этгани хакида маълумотлар бор.

Кўпгина ака-ука ва опа-сингиллари билан бирга отаси тарбиясида улгайган Ойша улар билан хужжатлашиб, хаммасидан устун келарди. Кохирада у илмдан жуда катта насиба олди ва унга фатво хамда дарс беришга рухсат этилди. Хижрий 919 йилда Ойша Кохирага кириб келганида, унинг хамрохи – Миср диёридаги қурилиш ишлари девони бошлиги Абуссано Махмуд ибн Ожо Халабий уни отасининг хурмати юзасидан ўз уйига туширган эди.

Ибн Ханбалийнинг айтишича, юкорида зикр этилган таржимаи хол сохибаси хижрий 922 санада Халаб шахрига келган. Бадр Суюфий, шогирди Шамс Сафирий ва бошқалар у киши билан парда ортида туриб учрашганлар. Сўнг Дамашкка кайтиб, у ерда ўша йили вафот этган.

Олима аёллардан бўлмиш Ойша Боъунийя Ислом тарихида қуйидаги китоблари билан шухрат қозонган:

- «Ал-Ишарот ал-Хофийя фи-л-Маназил ал-Алийя» («Олий даражаларга махфий ишоралар»), Бу Харовийнинг «Маназил ас-Саъирин» китобини мухтасар равишда жамлаб ражаз вазнида ёзилган шеърдир.
- «Ад-дур ал-гоис фий бахр ал-муъжизат ва-л-хосоис» («Мўъжиза ва хусусиятлар денгизидаги гавхар») – Байт бошидан охиригача «ро» харфида тугайдиган касида бўлиб, Пайгамбаримизнинг (соллаллоху алайхи васаллам) сийратлари хакидадир.
- «Салот ас-салам фий фазли ас-салот вассалам» («Набийнинг (алайхиссалом) фазилатлари хакида салоту саломлар») – Имом Саховийнинг «Ал-ковл ал-бадиъ фис-солат ъалал-Хабиб аш-Шафиъ» китобини ўз ичига олган назмий манзума.
- «Ал-Фатх ал-Хакий мин фатх ат-Талаккий».

Унинг «Ал-Фатх ал-Мубин фий мадхи ал-Амин» асари «мимия (қофиялари «мим» харфи билан тугайдиган) касида бўлиб, уни худди «Кашф аззунун» каби гўзал шарх билан шархлади. Унинг аввали: *** деб бошланади. Шафоат килувчи Хабибимизни

(соллаллоху алайхи васаллам) кўкка кўтариб мадх этувчи бу касидани Ойша бинт Юсуф хижрий 922 йили Рамазон ойида ёзиб тугатган.

Фотима бинт Абдурроҳман Широт

Куняси – Уммул Фатх. У отасида Нофеъ кироатини хатм килди ва Кузоъийнинг «Аш-Шихоб» ва Толайтулийнинг «Мухтасар»ини (ёдлаб) айтиб берди. Шу билан бирга «Сахих Муслим», Ибн Исхокнинг «Сийратун Набавийя» ва «Алкомил ван Наводир» китобларини қабул килди ва отасидан кўп нарсаларни эшитди. Али Абу Абдуллох Андажарий Зоҳид ва Абу Абдуллох ибн Муфаззалга Куръонни ўқиб берди. Ундан ўрганган ўгли Абул Косим ибн Тойласот Куръонни Варш кироатида ўқиб берди. Хижрий 613 йили вафот этди.

Фотима бинт Абдуллох ибн Мутаваккил ʻалаллох

Илмда етарли даражада маърифатга эга, иймон ва такво билан бирга, зийрак ва фаросат соҳибаси бўлиб, Куръони Каримни Тавба сурасигача пухта ёдлаган, давомли равишда ҳафтада етти порадан ўқиб туриш одати бўлган аёл эди.

Имом Мутаваккил ʻалаллох кизи Фотимани Яхё ибн Шарофиддинга турмушга берган. Улар барча илмларни ўрганишни ҳамда муаммоли жойларни биргаликда ҳал қилишган. Хижрий 895-910 йиллар давомида бетобликдан азият чекиб, оқибатида хижрий 910 санада Санода вафот этган.

Фотима бинт Муҳаммад ибн Юсуф Дувайрутий

Бу олима, фозила аёл, Куръони Каримни, акийда, «Арбаъин ан-Нававий» ва «Шотибия»ларни, Саховийнинг «Нуния»си ва Абу Шужоънинг «Мухтасар»ини тўла ёдлаган. Кироатларни отасидан ифрод 168, сўнг жам 169 шаклда ўтказиб олганидан кейин Коҳирага келди. Шихоб Искандарий ва Зайн Жаъфарга ўқиб берди. «Шотибия»ни мукамал ва мустаҳкам ўрганиш билан бирга, кироатларда моҳир бўлди. Ундан кўпчилик эркак ва аёллар манфаат олдилар. Унга ўқиб берган аёллар ичида Байрам бинт Аҳмад ибн Муҳаммад Дувайрутия Моликия ҳам бор.

Оталари Муҳаммад ибн Юсуф ибн Аҳмад Шаме Дайрутий ал-Мукрий бўлиб, Ибн Соиг исми билан танилган. У киши Куръони Каримни, иккита «Шотибия»ни ва бошқа асарларни ёдлаб чиққан. Етти кироат билан ифрод ва жам ҳолда ўқир эди. Ўз шаҳарларида одамларга мукрий бўлиш (устозлик қилиш) ташаббуси билан чиққанлар. У кишидан кўпчилик фойдаланган.

Имом Саховий айтадилар: «Илмда баракотли эдилар. У зотга ўқиб берган киши манфаат оларди. Тўқувчилик билан тирикчилик қилганлар. Хижрий 864 йилда Дайрутда вафот этганлар».

Фойиз Куртубий кизи

Илм ва одобда ниҳоятда машҳур бўлган. Оталари Фойиздан тафсири, лугати ва шеър илмларини ўрганган. Турмуш ўртоғи Абу Абдуллох Ибн Аббордан фикҳ ва ахлоқ таълимини олган.

Кироат илмларини ўрганиш учун Абу Амр Доний олдида келганида, у киши бетобликдан вафот этди. У зотнинг шогирдлари хакида сўраганида, Абу Довуд Мукрий хакида айтишади. У (Фойиз Куртубий кизи) хижрий 444 сана охирларида Балнасияга келиб, Абу Довудга тажвид билан етти кироатни ўкиб берганидан сўнг хаж килиб, 446 санада Миср сафарига вафот этган.

Маймуна бинт Язид Кори

Тўлик исми Маймуна бинт Абу Жаъфар Язид ибн Коъкоъ Махзумий Маданий Кори бўлиб, кироатни отасидан ривоят қилган. Ундан ўгиллари Ахмад ва Собит ривоят қилган. Отаси кироат бобида машхур шахслардан – ўн кироат имомлари сирасига кирганлардан эди. Бу улуг инсон, Куръонни мавлоси Абдуллох ибн Иёш ибн Абу Робиъа, Абдуллох ибн Аббос ва Абу Хурайраларга (розияллоху анхум) ўкиб берган ҳамда улардан ривоят қилган. Шунингдек, Нофеъ, Сулаймон ибн Муслим, ибн Жаммоз, Ийсо ибн Вирдон, ўгиллари Исмоил ва Яъқуб ҳамда кизи Маймуналар ундан кироатни ривоят қилганлар. Ибн Жазарий айтади: «Устоз Абу Абдуллох Кассоънинг дастхатларида шуни ўқидимки, у зот ярим тунда саккиз-ўн олти ракат намоз ўқир, хар бир ракатда Фотиha сурасига ўртача узунликдаги суралардан замсура килиб, намоздан сўнг ўзини, мусулмонларни ва унга ўкиб берган ҳамда унинг кироати билан олдин ўқигану кейин ўқийдиганларни дуо қилар экан». Маймуна Мадинада вафот этган.

Маймуна бинт Шокула

У кишининг ўглидан хикоя қилинади: «Ховлида ёрилган девор бор эди. Бир куни онам: «Когоз билан калам олиб кел!» деди ва когозга нимадир ёзиб, менга берди-да: «Девордаги анави тешикка тикиб кўй», деди. Мен шундай қилдим. Йигирма йилдан сўнг, онам вафот қилгач, халиги когоз ёдимга тушди. Бориб олишим биланок девор кулади. Когозни очиб карасам, унга: «Албатта, Аллох осмонлар ва Ерни завол топишларидан ушлаб турар» Эй Осмону ерни тутиб турувчи! Буни тутиб тургин», деб ёзилган экан. Фотир сураси, 41-оят.